

Тишабаева Л.А, старший преподаватель Ферганского политехнического института, город Фергана Республика Узбекистана.

Кадирова Д.С. преподаватель Ферганского политехнического института, город Фергана Республика Узбекистана.

Тишабаева Л.А, - senior lecturer of the Fergana Polytechnic Institute, the city of Fergana, Republic of Uzbekistan

Кадирова Д.С. - senior lecturer of the Fergana Polytechnic Institute, the city of Fergana, Republic of Uzbekistan

Особенности развития паломнического туризма в Узбекистане

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН
IMPROVING THE ELECTORAL SYSTEM IN THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN**

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда сайлов тизими ва технологияларини такомиллаштириши мақсадида ягона Сайлов кодексини қабул қилинганлиги ва Ўзбекистонда сайлов тизимини такомиллаштириши юзасидан амалдаги сайлов қонунчилигига киритилган янгилıklar ҳақида тўхталиб ўтилган.

Аннотация. Статья посвящена принятию единого Избирательного кодекса для совершенствования избирательной системы и технологий в Узбекистане, а также нововведениям в действующее избирательное законодательство по совершенствованию избирательной системы в Узбекистане.

Annotation. *The article is devoted to the adoption of a unified Electoral Code to improve the electoral system and technologies in Uzbekistan, as well as innovations in the current electoral legislation to improve the electoral system in Uzbekistan.*

Калим сўзлар: *Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими, мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари.*

Ключевые слов: *Избирательный кодекс, избирательная система в Республике Узбекистан, мажоритарные, пропорциональные и смешанные избирательные системы.*

Keywords: *Electoral code, electoral system in the Republic of Uzbekistan, majoritarian, proportional and mixed electoral systems.*

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини кескин яхшилаш, республикамызда давлат ва жамият бошқарувини жиддий янгилаш борасидаги хизматлари қаторида Ўзбекистонда сайлов тизими ва технологияларини такомиллаштириш мақсадида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари ҳам кенг жамоатчиликнинг диққат марказида. Кейинги йилларда бевосита давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уни либераллаштириш орқали мукаммаллаштириш мақсадида Ўзбекистонда сайлов амалиётини модернизациялаш йўлидаги янги уринишлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бунда, албатта, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 21-моддасида белгилаб қўйилган ҳар бир инсоннинг бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгаллиги, халқ иродаси ҳукумат учун ҳокимиятни амалга оширишда асос бўлиши лозимлиги, бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш

ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозимлиги тўғрисидаги халқаро нормаларга таяниб иш тутилганлиги диққатга сазовордир.

Табиийки, бу ўринда гап Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлса-да, ҳозирга қадар яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлиги алоҳида таъкидланган ҳолда халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги таклифни берганлиги тўғрисида бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг таклифига биноан “Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси” тайёрланди ва 2019 йилнинг 25 июнида “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун Президент томонидан имзоланди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат 18 та боб ҳамда 103 та моддадан иборат этиб белгиланди.

“Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси”нинг қабул қилиниши, ва амалиётга жорий этилиши юртимизда сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайлов қонунчилигини мукаммаллаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалий самараси бўлди, дейишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда бу ҳол истиқлол йилларида шаклланган миллий сайлов қонунчилигимизни, демократик сайловларни ўтказиш бўйича қарийб 30 йил давомида шаклланган ва тўпланган тажрибамизни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш сари қўйилган катта қадам бўлди.

Ўзбекистонда сайлов тизимини такомиллаштириш юзасидан амалдаги сайлов қонунчилигига қуйидаги янгиликлар киритилганлигини келтириш ўринлидир:

- Қонунчилик палатасида Экоҳаракат вакиллари учун квота ажратиш институти тугатилди;

- Номзодларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатиш тартиби бекор қилинди;

- Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини юритиш тартиби қонунан тартибга солинади;

- Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғишда сайловчилар томонидан бир қанча партияларни ёқлаб имзо қўйиш имконияти берилди;

- Сайлов участкаларида участка сайлов комиссиясининг овозларни санаш тўғрисидаги баённомасининг зудлик билан жамоатчилик муҳокамаси учун 48 соатдан кам бўлмаган вақтга илиб қўйиш тартиби ўрнатилди;

- Участка сайлов комиссияларининг овоз бериш жараёни тугагандан кейин амалга оширадиган аниқ ҳаракатлари тартибга солинди (овозларни санаш, баённомаларни тузиш, округ сайлов комиссиялари билан ўзаро алоқалари ва ҳ.к);

- Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди;

- Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида муҳокама этиладиган ва тавсия этиладиган участка сайлов комиссиялари аъзолари номзодлари бўйича жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг таклифлари олинishi тартиби ўрнатилди;

- Сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган энг кўп четга чиқиши ўн фоиздан ошмаслиги тартиби ўрнатилди;

- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди;

- Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини

ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан ягона сайлов участкалари тузиш тартиби ўрнатилди;

- Сайловларда овоз бериш вақти 08:00 дан 20:00 гача этиб белгиланди;
- Сайловчилар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида сайловчиларнинг рўйхати тўғрисидаги ўзи учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади ва бошқалар.

Сайлов куни сайловчи овоз бериш биносига келгач участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда 2019 йилнинг 22 декабрида ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига ўтказилган сайловларнинг янги Сайлов кодекси асосида ўтказилиши натижасида сайлов тизими жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган институтга айлантирилди. Худди шу боис мустақил Ўзбекистоннинг сайловлар тарихида биринчи марта 2019 йил 22 декабрда ўтказилган сайлов халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар экспертлари томонидан ижобий баҳоланди. Бу эса мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётчан эканлигини яққол тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.— Т.: «Ўзбекистон», 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2017-2019.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль кунги ПФ-4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февраль кунги «ПФ-6155-сонли Фармони.

5. Президент мурожаатномаси: 2021 йилнинг устувор йўналишлари. – Т. «Таррақиёт стратегияси» маркази, 2021.
6. А.А.Мадаминов. Влияние СМИ на политическую культуру молодёжи. Вопросы науки и образования. 2018. 7 (19).
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=_3waDc4AAAAAJ&citation_for_view=_3waDc4AAAAAJ:HoB7MX3m0LUC
7. Azimjonovich R. I. Establishment of the ministry of community and family support is an important step in self-government //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – Т. 163.
8. Abdukhamidov I., Tojiboyev U. Objective reasons of the migration process in the ferghana economic region. EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues ISSN: 2321-6247. Volume: 8. Issue: 5. December 2020, 16-19.